



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

24«iyul»2023 jil.

604-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
18 июльдаги 03/937-А/Ғ-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 18 июльдаги “Спортнинг гандбол тури бўйича ўсмирлар (қизлар) ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/937-А/Ғ-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 18 июльдаги 03/937-А/Ғ-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг гандбол тури бўйича ўсмирлар (қизлар) ўртасида Ўзбекистон кубоги (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 24-30 июль кунлари Фарғона вилояти, Кўқон шаҳрида ўтказилиши инобатга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Ўзбекистон гандбол федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ижрочи директори (**Б.Пирниязов**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

б) мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича ҳакамларни мусобақада иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Девонхона (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров